



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 16 январь, № 11 (8906)

Пайшанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА БАА МУНОСАБАТЛАРИНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚҚАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



15 январь куни Абу-Даби шаҳридаги “Қаср аш-Шати” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён тор доирада ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Президенти БАА Президентига ташриф билан келиш таклифи ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” муваффақиятли ўтказилгани билан табрикланди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — БАА дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини, шу жумладан, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Амирликлар халқларини муштарак тарихий илдизлар, ўхшаш аънава ва қадриятлар, муқаддас ислом дини чамбарчас боғлаб тургани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчисининг БААга ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очётгани — улар стратегик шериклик даражасига кўтарилаётгани қайд этилди.

Сўнгги йилларда товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони бир неча баробар ошди. Тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпайди, визасиз тартиб жорий қилинди.

Ташриф доирасида БААнинг етакчи компаниялари билан янги, асосан, юқори технологик тармоқларда лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Сиёсий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Етакчилар иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини, жумладан, сунъий интеллект, рақамлаштириш, “яшил” энергетика, шахарсозлик ва инфратузилма, туризм, хусусий бизнес каби 6 та асосий йўналишни белгилаб олди. Ҳар бир устувор соҳа бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар ташкил этишга келишилди.

Томонлар 2025 — 2027 йилларни “Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги даври” деб эълон қилиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Шу маънода, 2030 йилга қадар ўзаро савдо ҳажмини 10 баробар кўпайтириш ва инвестиция портфелини 50 миллиард долларга етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва БАА компанияларининг юртимиздаги инвестициявий фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдорлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар алмашинув қўламини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Муҳаммад бин Зоид номидаги университет билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича қўшма дастурни ишга туширишни таклиф этди.

Музокаралар давомида бўлажак олий даражадаги тадбирларга, шу жумладан, жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Марказий Осиё — Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқотининг иккинчи саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Абу-Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари Президенти ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якунида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида декларация;

— Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида ҳуқуматлараро битим;

— Молиявий-техник ҳамкорлик тўғрисида ҳуқуматлараро битим;

— Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Инвестициялар, саноат ва илғор технологиялар, адлия, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, фойдаланиш қазилмалар соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида идоралараро битимлар;

— Маданий соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома, Дипломатик академиялар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида ташрифи доирасида Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан учрашув ўтказди.

Кўп қиррали ҳамкорлик ва устувор йўналишлардаги амалий шерикликни янада кенгайтиришни долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — БАА муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиққан олий даражадаги тарихий музо-

каралар якунлари мамнуният билан қайд этилди.

Кўни кеча Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи компания ва холдинглар раҳбарлари билан эришилган келишувлар тўлиқ амалга оширилиши қўллаб-қувватланди.

Учрашувда ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Уй-жой ва транспорт инфратузилмаси, энергетика, тоғ-кон саноати, шахарсозлик, рақамлаштириш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Сунъий интеллект борасида, шу жумладан, соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболли йўналиш сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида Дубай шаҳрида БАА Вице-президенти, Бош вазири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан музокара ўтказди.

Учрашувда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар самарали бўлгани ҳамда Ўзбекистон — БАА муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтаргани юқори баҳоланди.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш каби соҳаларда фол мулоқотлар ва самарали ҳамкорлик олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Юқори технологиялар, рақамлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа истиқболли йўналишларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга келишиб олинди.

БААдаги шериклар билан Ўзбекистонда сунъий интеллект соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлик билдирилди.

Дубайнинг илғор ечимларини шахарсозлик соҳасига, жумладан, Янги Тошкентда замонавий инфратузилмани яратиш доирасида жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар фол мулоқотни давом эттириш ва амалий шерикликнинг барча йўналишларида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### Акс садо

## ОқилОНА ТАШҚИ СИЁСАТ МАҲСУЛИ

Президентимиз Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” саммитида иштирок этди ҳамда барча давлат ва халқлар тараққиёти учун муҳим бўлган таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Саммитда барқарор тараққиётни таъминлаш, инновациялар, “яшил” иқтисодиёт ва минтақавий ўзаро боғлиқликни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида энергетика манбаларини диверсификациялаш, улардаги углеводород улушини кескин камайтириш — иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти эканини таъкидлади.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади — экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтиш ҳисобланади. Шу боис 2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилингани эътироф этилди.

Президентимиз саммитда айтиб ўтганидек, тез суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага бўлган талабини тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар жадал ривожлантирилмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан қиймати 26 миллиард доллардан зиёд ва умумий қуввати 24 гавватт бўлган 50 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

“Яшил” тараққиёт Ўзбекистонда умуммиллий ҳаракат даражасига чиқди. Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишда, минтақавий ҳамкорликни янада кучайтириб, Марказий Осиёни “яшил” иқтисодий ривожланиш ва “тоза энергия” марказларидан бирига айлантириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада БАА ишончли ва стратегик ҳамкоримиз экани қайд этилди.

## Ўзбекистон барқарор ривожланиш бўйича халқаро ташаббусларда фаол

### Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунлари ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 13 — 15 январь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан расмий ташриф билан БААда бўлди.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” халқаро саммитида нутқ сўзлади, шунингдек, Тошкент шаҳридаги Президент мактабини барқарор ривожланиш соҳасидаги Шайх Зоид номидаги мукофот билан тақдирлаш маросимида қатнашди.

Ўзбекистон Президенти БАА ҳукумати аъзолари, етакчи

компаниялари раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — БАА музокаралари якуни бўйича Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги декларация ва турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа битимлар имзоланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вақтида қадар Навоий эришилган келишувлар халқаро экспертлар ҳамжамияти вакиллари томонидан кенг эътироф қилинмоқда.

2-зофиға қаранг.

## «ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ БОБИДА БУТУН ДУНЁГА ОЧИҚЛИК ЙЎЛИ

Шу йилнинг 13 — 15 январь кунлари давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан мазкур мамлакатда расмий ташриф билан бўлди.

Ташриф доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” халқаро саммитида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Унда бугунги кунда энергетика манбаларини диверсификация қилиш, улардаги углеводород улушини кескин камайтириш — иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳимлиги эътибор қаратилди.

2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилингани, ушбу йўна-

тикланувчи энергия, шу жумладан, “яшил” энергия соҳасидаги мақсадларга эришишга олиб келади.

Қайд этиш кераки, бугун “яшил” энергетика икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида БААнинг “Masdar” компанияси томонидан амалга оширилган лойиҳага қўра қуввати 500 МВт бўлган “Зарафшон” шамол электр станцияси ишга туширилди. Унинг Марказий Осиёда энг йирик ва Ўзбекистонда биринчи шамол электр станцияси деб топилгани алоҳида эътиборга сазовор.

2

### Фахр

## Ёшларимизнинг навбатдаги муваффақияти

14 январь куни давлатимиз раҳбари “Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги” халқаро саммитининг очилиши ҳамда барқарор ривожланиш соҳасида Шайх Зоид номидаги мукофотни топшириш маросимида иштирок этди.

Амирликлар асосчиси — марҳум Шайх Зоид Ол Наҳаён номи билан аталувчи барқарор ривожланиш соҳасидаги ютуқлар учун мукофотнинг “Глобал ўрта мактаблар” номинациясида Тошкент шаҳридаги Президент мактаби вакиллари ғолиб топилди.

Мукофотни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён топширди. Шавкат Мирзиёев мактаб вакиллари билан учрашиб, уларни ғалаба билан қизғин табрикланди.

Хўш, ушбу танловнинг моҳияти нимадан иборат? Унда юртдошларимиз қайси лойиҳа билан қатнашди?

Мазкур лойиҳа 2008 йилда барқарор тараққиёт соҳасидаги инновациялар ва ташаббусларни эътибор қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда энергетика, сув, озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш йўналишларига доир глобал муаммоларнинг инновацион ечимлари таклиф қилинади.

Жорий йилги танловда

2



Олий Мажлис Сенатида



150-АССАМБЛЕЯГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатида Парламентлараро Иттифоқнинг юбилей — 150-ассамблеясини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича ташкилий масалалар юзасидан ушбу тузилма котибияти вакиллари билан онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда Парламентлараро Иттифоқ муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда. Мамлакатни барқарор ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда конструктив мулоқот давом эттирилиб, яқин ҳамкорлик кенгайтирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясини 2025 йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказиш ҳақидаги ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватлангани жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътибор этилмоқда.

Мулоқот давомида ассамблеяда 180 та мамлакат, 15 та кузатувчи давлат ҳамда 25 дан ортқ халқаро ва парламентлараро ташкилотлардан 2 мингга яқин делегатларнинг иштироки кутилаётгани айтилди.

Ассамблея доирасида хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига бағишланган махсус тадбирни ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг соҳада эришган улкан ютуқлари, 2025 йили Парламентлараро Иттифоқнинг парламентар аёл аъзолари форумининг 40 йиллиги, хотин-қизлар ҳолати бўйича Пекин декларацияси қабул қилинганидан 30 йиллиги ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги кун тартибининг 25 йиллиги билан изоҳланади.

Мулоқот якунида ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўриш борасида ишчи гуруҳ йиғилишларини доимий равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЗАЛВАРЛИ ВАЗИФАЛАР БАРЧАМИЗНИ ҲАМЖИҲАТЛИККА ЧОРЛАЙДИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида ижтимоий, иқтисодий, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишларида 2025 йилга мўлжалланган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш белгиланган. Хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун шарт-шароитлар яратиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар алоҳида эътиборга молик.

Лойиҳада замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича 8 000 нафаргача ёшларни касб-хунарга ўқитиш, жорий йилда халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл тўплаган 7 000 нафар ёшга имтиҳон топириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш назарда тутилган. Аxbорот-коммуникация технологиялари, инновациялар борасидаги қизиқишларини ошириш, IT-парк резидентлари бўлиши учун имкониятлар яратиш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 000 нафар хотин-қизни “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига жалб этиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг рақамли технологияларни ўзлаштириш, замонавий касб-хунар эгаллаш ҳамда юқори даромад топишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, жорий йилда 139 396 нафар хотин-қизни касб-хунарга, 134 400 нафарини тадбиркорликка ўқитиш ҳамда 220 980 нафар аёлга ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича амалий чоралар кўриш белгиланган.

Маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш чоралари ҳам янада такомиллаштирилди. Хусусан, 75 та археология ёдгорлигида илмий тадқиқот ишлари ўтказилди ҳамда 3 та археология ёдгорлиги консервация қилинди. 57 та маданий мерос объектида реставрация-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Лойиҳада замонавий театр ва цирк санъатини ривожлантириш, бадиий-ғоявий савияга эга саҳна асарларини яратиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланган. Давлат театрлари томонидан намоийш этиладиган спектакллар сонини 7400 та, томошабинлар миқдорини 3,8 миллион нафар ва жойларда ўтказиладиган цирк томошаларини сонини 480 тага етказиш режа қилинмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланидиган ёшлар қамровини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида оммавий спорт мусобақалари қамровини 12 миллионга, спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар сонини 600 000 га етказиш белгиланмоқда.

Эндиликда аҳолининг 11 та ёш тоифаси бўйича ҳудудларда ҳар йили жисмоний тайёргарлик синовлари ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасида бўлиб ўтган мажлисда давлат дастури лойиҳаси муҳокама этилиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда вазирлик ва идоралар масъулларининг мазкур масалалар бўйича таклифлари эшитилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯХШИЛАШ, САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар, жумладан, фуқароларнинг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратиш, рақамли маркировкалаш тизимини тартибга солиш, донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қизгин муҳокамалар жараёнида конструктив фикрлар билдирилди, асосли таклифлар илгари сурилди.

Электрон тижорат ва молиявий бозорлар тартибга солинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар марказий депозитарийи ва суғурта ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда ушбу соҳалар бўйича ваколатли орган ва унинг функциялари белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай аҳоли ўртасида бундай ўйинлар кенг тарқалаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Лойиҳада Интернет жаҳон аxbорот тармоғидаги таваккалчиликка асосланган ўйинларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ўйинларга ҳақдан ташқари қарама-қарши этиладиган фуқароларнинг ўйинлардаги иштирокини чеклаш механизмларини жорий қилиш ҳамда бу борада хорижий ва ноқонуний сервислардан фойдаланишни чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг белгиланаётгани алоҳида эътибор этилди.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши капитал ва суғурта бозорини янада ривожлантириш, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказилишини тартибга солишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Масофадан иштирок этиш имконияти

Мажлисида аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Юртимизда судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя этиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш имконини бермоқда. Натижада ариза йўллаш, ишда масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини ва ишларнинг қўрилиши ҳақида маълумот олиш каби суд томонидан кўрсатиладиган хизматлар Олий суднинг интерактив хизматлар портали орқали электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда видеокон-



ференцалока режимда ўтказиладиган суд мажлисларида мобил видеоконференцалока тизимидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали процессуал қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик, Иқтисодий процессуал ҳамда Мазмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга аҳолига суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этишнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни қонун лойиҳаси билан суд мажлисларида суд биносига келмасдан, масофадан туриб мобил видеоконференцалока режимда катнашишнинг процессуал асоси ва тартиби белгиланмоқда.

Муҳокама давомида қонун лойиҳасидаги масофавий иштирок этиш билан боғлиқ айрим масалалар ҳам кўтарилди. Сунъий интеллект ва “deepfake” технологиялари орқали шахсни аниқлашда юзага келиши мумкин бўлган айрим саволлар ўртага ташланди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг долзарблигига ўруғ берган ҳолда унинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд қилди. Масофавий катнашишнинг хавфсизлиги ва шаффофлигига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя

Мажлисида аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда солиқ имтиёзлари берилишини тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари қўллашни бўйича белгиланган нормаларни аниқлаштириш, рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, пиво ичимликлари ва тамаки маҳсулотлари чакана савдосини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Мазкур қонун лойиҳаси билан тадбиркорларга маркировка қўрилмаларини сотиб олиш харажатлари суммасига фойда, айланмадан олинмаган солиқ ва яқна тадбиркорлар учун даромад солигини камайтириш ҳуқуқи берилмоқда. Шунингдек, пиво маҳсулотларини сотиш фаолияти солиқ органларини хабардор қилиш тартибидан амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатига киритилди.

Депутатлар солиқ қонунчилигига киритилаётган бу каби ўзгартиришлар маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ҳамда тамаки ва пиво маҳсулотларини яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш орқали аҳоли қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилинишини алоҳида таъкидлашди.

Халқ вакилларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштириш, Давлат бюджети барқарорлигини оширишга асос яратади.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Тиббий хизматлар сифати янада ошади

Аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Лойиҳа юзасидан асарлаш қилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги Асилбек Худоёровнинг таъкидлашича, бугунги кунда барча ижтимоий хизматлар каби тиббиёт тизимини халқимизга янада яқин қилиш бўйича кўри-

лаётган аниқ чоралар туфайли бирламчи ва малакали тиббий хизматлар аҳоли кенг қатламга кириб бори. Шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 18 мингдан зиёд тиббиёт бригадалари ҳамда 2104 та маҳаллада тиббиёт пункти фаолияти йўлга қўйилди.

Тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги кадрлар малакасини баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларига белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш орқали тиббий хизматларнинг кафолатланган барқарор даражасини таъминлаш зарурати ҳам юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган нормалар белгиланяпти. Бундан ташқари, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмида белгиланганидан ортқча тиббий ёрдам ва бошқа қўшимча хизматлар, шунингдек, оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўланмаси бўлмасдан, тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқа-

роларга пуллик асосда тиббий ёрдам кўрсатиш таклиф этилмоқда.

Мазкур қонуннинг 41-моддасига эса тиббий таълим ташкилотларини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахсларга мавжуд малака тоифасини олиш тизими ичида автотоматик тарзда давлат рўйхатидан ўтказилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унда назарда тутилмаган айрим нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди. Лойиҳа юзасидан кўтарилган саволларга қонун ташаббускорлари батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.



Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали ҳимоя этиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида фуқароларга қўшимча тиббий ёрдам ва оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўланмасисиз тўғридан-тўғри пуллик асосда тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Этиборлиси, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш, асосийта, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Қизгин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Фахрий донор кўкрак нишонини билан тақдирланганларга бир қатор ҳуқуқлар берилмоқда

Инсон саломатлиги учун донорлик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис аҳоли орасида бегараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантириш, қон донорлигига сифатли хизмат кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қон ва қон препаратларини ишлаб чиқаришни янада кучайтириш мақсадида донорларни қўллаб-қувватлаш, уларга тақдим қилинадиган имтиёزلарни қонун даражасида мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган Ўзбекистонда донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонини билан тақдирланган шахсларга улар учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таштилига чиқиш, шахар жамоат транспортининг барча туридан (йўналиши ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, санаторий-курортларда даволаниш учун йўланмаларни навабтас олиш ҳуқуқи берилмапти.

Мазкур қонун лойиҳаси донорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аҳоли орасида бегараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ваколат муддати уч йилдан беш йилга узайтирилади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибининг янада такомиллаштириш, бўшаб қолган ўринларга сайланган фуқаролар йиғинлари раислари фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб мазкур қонун лойиҳаси билан қуйидагилар белгиланмоқда:

— фуқаролар йиғини раиси ваколатлари муддатини уч йилдан беш йилга ўзгартириш;

— Фуқаролар йиғини раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказиш орқали фуқаролар йиғини раисини беш йил муддатга сайлаш тартибининг белгилаш;

— Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказиш;

— Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг фуқаро-

лар йиғини раиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар комиссияларига ўтказиш;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг номини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари сифатида ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар иши самарали олиб борилишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Самарқанд шахри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари чегаралари ўзгармоқда

Депутатлар Самарқанд вилоятининг Самарқанд шахри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишди.

Самарқанд шахрининг мезморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибдорлигини ошириш, шунингдек, худуднинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий бизнес, молиявий ва туристик инфраструктураларини жадал ривожлантиришнинг таъминлаш ҳамда сервис хизматлари турлари ва сифатини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарори билан ҳудудда 2023—2030 йилларда “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ва тураржойлар комплексини барпо қилиб дирекциясини ташкил этиш ишлари олиб боришмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг таклифига асосан Самарқанд туманидан 170 гектар ва Оқдарё туманидан 243 гектар ер майдони Самарқанд шахри таркибига ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисида қарор лойиҳаси тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар, Самарқанд ва Оқдарё туманлари ҳамда вилоят Кенгашларида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизгининг таснифи маъқуллангани қайд этилди. Шунингдек, қарор лойиҳасида худуднинг чегараларини ўзгартириш ва унда белгиланган вазифаларни тизимли амалга ошириш мақсадида Ҳуқуқатга комплекс чора-тадбирларни бажариш вазифаси юклатилди.


Мазкур туман ва шаҳар чегараларининг ўзгариши билан “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ташкил қилиниб, ушбу ҳудудда 254 та кўп қаватли уй-жой, 19 та ишбилармонлик ва бизнес маркази, 50 та ижтимоий соҳа объекти, 89 та кўнгилчоқ ва савдо комплекси ҳамда тарихий шаҳарча барпо этилади. Бундан ташқари, ҳудудда ички йўллар, пибдалар ва велосипед йўлакларини, ер усти метро йўли, катта кўприк ҳамда ички коммуникация учун тоннел, ирригация қувири ҳамда кўпгаб сугориш иншоотлари қурилади.

Депутатларнинг фикрича, киритилаётган ўзгартиришлар келгусида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга йўл очади.

Мажлисида қарор лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МАНГУ ДАҲОСИ



“Ўзбек халқининг буюк қомусий олими, Темурийлар давлатининг машҳур ҳукмдори Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек ўзининг бой илмий-маърифий мероси ҳамда мислсиз бунёдкорлик фаолияти билан юртимиз тараққиёти ва жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улкан тарихий сиймодир”, дея таъкидланади Президентимизнинг 2024 йил 12 сентябрдаги “Буюк қомусий олим ва машҳур давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарориди.

...2010 йил эди чамамда, Шавкат Мирзиёев ўша пайтлар мамлакат Бош вазир лавозимида ишлар эди. Самарқандда Расадохна ёдгорлиги пойида атоқли тарихчи олимлар ва қурувчиларни йиғиб, Мирзо Улуғбек ҳақида гап очди: “Биз Мирзо Улуғбекнинг даҳолик даражасига лойиқ, хос ва мос ёдгорлик мажмуасини яратилишимиз керак. Советлар даврида бунёд қилинган мажмуа тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди”.

Дарҳақиқат, мажмуа ғариб бир аҳволда, ҳайкалда Мирзо Улуғбек негадир ерга қараб тақдирдан нолиб, иложсиз, имконсиз тургандай эди. Музей заллари эса буюк ҳукмдорнинг диндорлар билан зиддиятлари ва курашини акс эттирувчи ёлғон-яшиқ киною драма лавҳалари муҳрланган суратлар билан тўлдирилган бўлиб, томошабинларни худосизликка даъват қилиб турарди. Бу Мирзо Улуғбек сиймосига зид, сохта бир ғоя эди. Ахир у Мовароуннаҳр мамлакатининг 40 йиллик ҳукмдори, даҳо олим, буюк султон бўлган.

Қисқа вақтда “Расадохна ёдгорлик мажмуаси” янгидан барпо қилинди ва у сайёҳларнинг суюкли масканларидан бирига айланди. Меҳмонларни худди Мирзо Улуғбекнинг ўзи қутиб олаётгандай, улғу сиймо тахтиравонда, фалакка, балки келажакка, сизу бизга кўз тикиб турарди. Орқада юлдузлари чарақлаган қиноот акс этган улкан панно бунёд қилинган. Гуллар ва яшилликлар оралаб, зиналар билан юқорига, тепага кўтариласиз. У ерда музей ва Мирзо Улуғбек давридан гувоҳлик бериб турган расадхона пойдевори ястаниб ётибди.

## Бебаҳо мерос

### «Талли-и-расад»

Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси, мадрасалари ва расадхона қурилиши тўғрисида жуда кўп манбалар сақланиб қолган. Уни европалик, россиялик шарқшунос олимлар яхши билишарди. Аммо узоқ қидиришларда ҳам расадхона топилмади. Чунки у нураб, тупроқ қаърида қолиб кетган эди.

Расадохнани топиш шарқшунос, ҳаваскор археолог В. Вяткинга насиб этди. Қандай қилиб? Чунки у бошқа рус олимларидан фарқли ўлароқ, маҳаллий аҳоли билан тил топишиб кетган эди. Аҳоли Оби Раҳмат ариғи бўйида «Талли-и-расад» яъни «Расадохна тепалиги» борлигини биларди. Абу Саид Махсум ва Ғам Хожа мулла В. Вяткинга ўша жойни кўрсатишди. 1908-1909 йиллари қазима ишлари бошлаб юборилди ва ниҳоят, Мирзо Улуғбек расадхонаси, унинг асосий қурилмаси — секстант топилди...

Бу ҳақда телеграф агентликлари бутун дунёга хабар тарқатди. Бу XX аср кашфиёти сифатида тан олинди.

## Муҳаммад Тарағай ибн Шохрух ибн Темур

Ҳа, Мирзо Улуғбекнинг азон билан қулоғига сингдирилган исми худди шундай. Бу исми Амир Темур ўз падари бузруквори шарафига қўйган бўлиб, ёшлигидан уни Улуғбек деб эрқалашган, суйишган ва у айнан Мирзо Улуғбек номи билан тарихда қолди. Улуғбек 1394 йилнинг 22 март куни ғарбий Эронда, Султония шаҳрида бобоси Амир Темурнинг ҳарбий юришлари пайтида туғилган. Отаси Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзо, онаси Хоразмда ҳукмронлик қилган сўфийлар сулоласига мансуб Ғиёсиддин Тархоннинг қизи Гавхаршодбегим бўлади.

Ўша давр таомилига кўра Амир Темурнинг набиралари, жумладан, Улуғбек пойтахт Самарқандда Сарой-мулкхоним (Бибихоним) тарбиясида бўлган. Илк устози шоир, файласуф Ҳамза ибн Али Малик Тусийдан 1405 — 1411 йилларда сийбат ва харб сирларини ўрганди. Кейинроқ мунажжим Мавлоно Аҳмад устозлик қилган. Шу билан бирга, Мирзо Улуғбек ўзининг устози сифатида Қозизода Румийни тилга олади.

“Мирзо Улуғбек йигирма ёшга етиб-етмасдан, ҳукмдор ва олим сифатида эл-улусга танилди”, дея таъкидлайди эронлик математик Ғиёсиддин Жамшид Коший. У 1417 йили Мирзо Улуғбек тақлифига кўра Самарқандга келади ва отасига ёзган хатиде бу ердаги илмий-маданӣ муҳитга юқори баҳо беради, Хуросон билан Туркистонни солиштиради. Мирзо Улуғбек атрофига йиғилган олимлар, мадраса, расадхона, илмий мунозаралар, султон ва олимлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзади.

Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг отасига ёзган хатиде келтирилган қуйидаги фикрларга эътибор беринг: “Ҳазрати олийлари математиканинг барча соҳаларини яхши биладилар. Бир куни у киши от устида кетаётди, 818 йил ражаб ойининг 10 — 15 кунларига тўғри келувчи душанба куни

кўёш йилининг қайси фаслига тўғри келишини билмоқчи бўлдилар. У киши от устидаёқ ёддан бу масалани ҳал этиб, ерга тушгач, натижани текшириб кўришни мендан сўрадилар. Ҳақиқатан ҳам, бу жумбоқни ҳал қилиш учун киши ўз ёдида жуда кўп рақамларни сақлаши лозимдир. Бошқа бир киши ҳам бу масалани ҳал қилмоқчи бўлган эди, бунга ақли етмади. Бундай оғир масалани ҳал этишга менинг бирорта ҳам замондошим қодир эмас, буни ҳеч ким ҳал эта олмади. Шунини айтишнинг лозимики, бу илмда у киши беқиёсдир”.

Мирзо Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида улғувор мадрасалар барпо қилди. Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси 1417 — 1420 йилларда қурилди. Асосийси, ушбу масканда диний билимлардан ташқари дунёвий фанлар — математика, астрономия, тарих, геометрия, мантқ, турк, форс, араб тиллари, фиҳр ва бошқалар ўқитилган.

1420 йили мадраса очилишида ўз даврининг машҳур алломаси, мудarris Муҳаммад Хавофий биринчи маърузани ўқиган эди. Мазкур илм даргоҳида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи, Ҳўжа Фазлulloҳ Абу Лайс Самарқандий ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам

шоот шаҳардан 5-6 қақирим нарида, Чўпонотада, Кўҳак тепалигида қуриладиган бўлди.

## Сирли осмон тоқиға илк қўйди нарвон, ўзбегим

Расадохна 1424 — 1428 йилларда қуриб битказилди. Унинг қурилишига Мирзо Улуғбекнинг ўзи раҳбарлик қилган. Олим ва ҳукмдор қурилиш жараёнида ҳар бир мутахассиснинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, адолатли, тўғри қарорлар чиқаришга интилан.

Ғиёсиддин Жамшид ёзади: “Расадохна қурилайётган жойда меридиан линиясини аниқлаш учун ер текисланган эди. Ишга энг моҳир тоштарошлар жалб қилиниб, ер текисланди. Биз бу ерга меридиан линиясини аниқлаш учун йиғилдик. Дастлаб, биз ернинг текислигини аниқламоқчи бўлдик. Ҳазрати олийлари давлат таянчи (Оллоҳ унинг сийхати ва давлатини барқарор қилсин), барча аслзодалар ва сарой аъёнлари, олимлар, барчалари тоштарошларнинг ерни текислашга мўлжалланган асбоби атрофида тўпланидик”. Кўриниб турибдики, Мирзо Улуғбек расадхона қурилиши ва уни тегишли асбоб-ускуна-

олиб борган. Қарийб ўн йиллик кузатувлардан кейин буюк олим ўзининг шох асарини — “Зижи жадиди Кўрагоний”ни яратди.

Каталоғда 1018 та турғун юлдузнинг географик координаталари, кўёш йилининг давомийлиги, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши, Ой ҳаракатининг вақтлари аниқланди. Кўёш йили 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сония экани ойдинлаштирилди. У ҳозирги замон электрон ускуналар билан жиҳозланган космик кузатувлар натижасидан атиги 58 сонияга фарқ қилади, холос. Бу жуда катта аниқлик эди.

Бундай оламшумул натижага Мирзо Улуғбекнинг даҳолиги, юксак салоҳиятли олимларнинг бошини қовуштириши ва ўзларидан аввалги расадхоналар томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш эвазига эришилди. Масалан, Ғиёсиддин Жамшид Коший аввал Мароғ расадхонасида ишлаган эди. Унда йўл қўйилган хатолар “Элхоний Зижи”да ҳам акс этди, натижада жаҳвал илмий қиймат топмади. Ёки Птолемей жаҳвалидан ўрин олган 8 та юлдуз кўрсатилган жойда топилмагани ва умуман йўқлиги учун “Зиж”га кириктилмади. Самарқанддаги илмий мунозараларда аввалги хатолар чуқур таҳлил этилиб, тўғри ечим топилгандан сўнггина қарор қабул қилинди.

“Мирзо Улуғбек томонидан XV аср бошида дунёда тенги йўқ энг замонавий, пешқадам расадхона бунёд этилди. Асосий бинонинг тарҳи айлана шаклида, унинг диаметри 46,4 метр, “уч ошёнли” бўлиб, баландлиги 30,4 метрни ташкил қилади. Унинг ўртасидан меридиан чизиги бўйлаб ер сатҳидан паства радиуси 40,21 метрли секстант қурилган. Унинг ёрдамида кўёш ва юлдузларнинг географик координаталари, жойлашиши, баландлиги ва масофалари аниқланган. Секстант доиранинг 6/1 қисмини, яъни 60 градусни қамраб олган.”



фаннинг турли соҳаларидан талабаларга маъруза ўқишган. Улуғ султон замонасининг энг билимдон олимларидан 100 нафарга яқинини Самарқандга йиғди. Улар мадрасаларда таълим берди, назарий концепцияларни илгари сурди, илмий баҳс ва мунозаралар қилди.

Талабалар мадрасида 8 йилдан 16 йилгача ўқишган. Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясини битирганларга дипломлар берилган. Ана шундай дипломлардан бири айни пайтда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Диплом мадрасаси олимпиада таълим олган Шамсиддин Муҳаммад Балхий номига берилган бўлиб, уни Қозизода Румий ўз қўли билан ёзганини қайд этган.

Мирзо Улуғбек мадрасасини тамомланганлиги ҳақидаги ҳужжат нафақат Мовароуннаҳрда, балки дунёнинг барча мусулмон мамлакатиде тан олинган. Ўша даврда замон талаби сифатида математика ва астрономия илмларини ривожлантириш долзарб бўлиб қолди. Алал-оқибат расадхона қуришга қарор қилинди. Мазкур ин-

лар билан жиҳозлаш масалаларини бошидан-оёқ ўзи назорат қилган.

“Иброҳим мискарға менинг ҳузуримда глобуссимон асбобни ясаш топширилган эди. Глобуссимон асбобни яратишда мискарнинг вазифаси мушкулдир. Астролябияни яратишда эса ҳар иккала томоннинг ҳам вазифаси мушкулдир”, дея гувоҳлик беради Ғиёсиддин Жамшид.

Натижада Мирзо Улуғбек томонидан XV аср бошида дунёда тенги йўқ энг замонавий, пешқадам расадхона бунёд этилди. Асосий бинонинг тарҳи айлана шаклида, унинг диаметри 46,4 метр, “уч ошёнли” бўлиб, баландлиги 30,4 метрни ташкил қилади. Унинг ўртасидан меридиан чизиги бўйлаб ер сатҳидан паства радиуси 40,21 метрли секстант қурилган. Унинг ёрдамида кўёш ва юлдузларнинг географик координаталари, жойлашиши, баландлиги ва масофалари аниқланган. Секстант доиранинг 6/1 қисмини, яъни 60 градусни қамраб олган.

Расадохнада илмий ва кузатув ишларини Мирзо Улуғбек билан бирга Қозизода Румий, Коший, Али Қушчи, Мирам Чалабий каби мутахассислар

Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний”идаги юлдузлар жаҳвали, қўлланилган ускуналар бир неча юз йиллар давомида денгиз навигациясида ишлатиб келинди. Ҳатто Христопфор Колумбнинг “Санта Мария” кемасида Мирзо Улуғбекнинг ушбу асарини бўлгани тахмин қилинади.

## Олимға Европанинг хурмати

Табиийки, ҳукмдор кўп вақтини мамлакат ободлиги, мадрасалар қурилиши, низоларни бартараф қилиш

Ўз мулоҳазаларимни Мирзо Улуғбекнинг замондоши, машҳур шоир Сақоқийнинг қуйидаги байтлари билан тугатсам:

“Фалак ишлар керак, сайр этсаю келтирса илқиға,  
Мениндек шоирни туркий, сениндек шохи донони”.

Мирзо Улуғбек бундан 600 йил муқаддам она заминимизда рўёбга чиққан иккинчи Ренессанснинг ёрқин намоёндаси, унинг ҳақиқий ижодкори эди. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, айни пайтда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган улкан ислохотлар, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар юртимизда учинчи Ренессанс пойдевори яратилишига хизмат қилади.

каби аркони давлат юмушларига сарфлаган. Шу сабабдан Мирзо Улуғбекнинг илмий асарлари сон жиҳатдан унча кўп эмас. Булар — Мирзо Улуғбекнинг астрономияга бағишланган “Зижи жадиди Кўрагоний” ва “Рисолайи Улуғбек”, математикага оид “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола” ва тарихига оид “Тарихи арбаъи улус” асарларидир. Сўзсиз, Мирзо Улуғбекнинг шох асарини “Зижи жадиди Кўрагоний” бўлиб, у расадхонадаги 10 йиллик илмий кузатувларнинг натижаси эди. Асар муаллифи расадхона амалиётларида ва асарнинг дунёга келишида кўмақдош бўлганларни — Қозизода Румий, Мавлоно Салоҳ, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва ёш бўлса-да, “фарзанди аржуманди” — кенжа шогирди Али Қушчинини тилга олади. “Зиж” тайёр бўлган 1437 йилга қадар Али Қушчидан бошқа олимларнинг ҳаммаси оламдан ўтган эди. Шунга қарамай, Мирзо Улуғбек олимлик ахлоқ-одобига риоя этган ҳолда, ўз асариде уларнинг номларини ҳурмат билан хотирлаган.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан, айниқса, 1469 йилда Абу Саид вафотидан сўнг Самарқандда тўлланган олимлар дунёнинг турли бурчакларига тарқалиб кетди. Хусусан, Али Қушчи 1473 йили “Зижи жадиди Кўрагоний” нусхаларини Истанбулга ўзи билан олиб борди. Асар мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган, шарҳланган. Айниқса, у Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Истанбул ва Ҳиндистонда Самарқанд расадхонасидан андоза олиниб расадхоналар қурилди.

“Зижи жадиди Кўрагоний” Истанбул орқали Европада кенг тарқалди. Жон Гривс, Томас Хайт, Френсис Бейли, Ян Гевелий, Л. Седвий, Е. Нобл каби олимлар Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жаҳвалини XVI асрдан бошлаб қайта-қайта нашр қилди. “Зиж” машҳури жаҳон бўлди. Айниқса, улар орасида поляк олими Ян Гевелийнинг “Селениум” китоби халқимизда Мирзо Улуғбек билан гурурланиш ҳиссини ўн чандон ошириб юборди. Тасаввур қилинг, асардаги гравюра-расмда дунёнинг энг буюк астрономлари — Птолемей, Мирзо Улуғбек, Николай Коперник, Галилео Галилей, Жордано Бруно ва бошқалар ўрин олган. Европа афсона-ривоятларида кўра астрономлар ҳомийси маъбуд Уранум бўлиб, у ўртада, маъбуднинг ўнг томонидан Мирзо Улуғбек, чап томонидан Николай Коперник жой олган. Бундан ортиқ эътироф, иззат-ҳурмат бўладими?! Бу Европанинг Улуғбекка эътирофи эди.

Шу маънода, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир эр йигитнинг бурчи. Ушбу шарафли бурчни ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари муқаддас қасамед билан мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда “Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибни таъминлашга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳрида, айниқса, маҳалларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча имкониятни ишга соляпти. Ушбу сайё-ҳаракатлар ҳамда профилактика инспекторларига хизмат учун яратилган қулайлик самараси ўлароқ ҳудудда ҳуқуқбузарликлар сони камаймоқда.

Бу йилги байрам арафасида давлатимиз раҳбари Фармони билан муқофотланганлар сафиде борлигидан юксак фахр туйди. Бу эътибор мени янги марралар сари руҳлантирмоқда. Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишдан, элзу юрт осойишталигини таъминлашдан асло қарчмаймиз.

Темур ШИРИНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

## Ифтихор ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ ПОСБОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан мамлакатимиз Президентининг Фармониға кўра бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари давлат муқофотлари билан тақдирланди.

Қуйида муқофотланганларнинг фикрлари билан танишасиз.

### Ҳам машаққатли, ҳам шарафли

Шухриддин УСМОНОВ,  
Қарши шаҳар факултодада  
вазиятлар бўлими  
катта уста-қутқарувчиси:

— Аввало, айтиш жоизки, давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга, Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлик кўрсатиб келиняпти. Бу эса Қуролли Кучларимизда хизмат бурчини ўтаётган зобитларимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда, касбига иштиёқи ва меҳри янада юксалаётир.

Элзу юртга хизмат қилиш шарафли иш ва айни чоғда масъулятлидир. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, ўз танлаган касбимиздан гурур ҳамда фахр ҳиссини чандон туямиз. Масалан, 2020 йилнинг 23 июнь санасида Қарши шаҳрида кўп қаватли бино қулаб тушганди. Ушунда 7 нафар фуқарони бетон уюмлари орасидан қутқариб олганми.

Албатта, бундай вазиятлар бизни янада тезкор бўлишга, зудлик билан бир қарорга келиш ва керак бўлса, ўз ҳаёти-мизни ўртага қўйиб ҳаракат қилишга ундайди. Шундай пайтларда мазкур касбни танлаганимдан гурурланаман.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида”ги Фармониға асосан “Шуҳрат” медалига лойиқ қўрилган қалбимдаги ифтихорини ўн чандон юксалтирди.

Бу юксак эътирофдан янада руҳланиб, бундан кейин ҳам бор салоҳиятимни, ғайрат ва шижоатимни шу йўлда сафарбар этаман.

### Она Ватанга садоқат билан хизмат қиламиз

Баҳром ЖУМАБОВЕВ,  
Тошкент виллоятининг  
Нурафшон шаҳри ички ишлар  
бўлими профилактика катта  
инспектори, “Содик хизматлари  
учун” медали соҳиби:

— Бебаҳо бойлик бўлган тинчликни асраш — бу халқимизнинг улғу мақсади, тараққиётимиз кафолати, фаровонлик манбаи, умумбашарий ва демократик қадриятларни қарор топтириш ҳамда келгуси авлод барқамол вояга етишининг зарур шарти ҳисобланади.

Шу маънода, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир эр йигитнинг бурчи. Ушбу шарафли бурчни ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари муқаддас қасамед билан мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда “Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибни таъминлашга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳрида, айниқса, маҳалларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча имкониятни ишга соляпти. Ушбу сайё-ҳаракатлар ҳамда профилактика инспекторларига хизмат учун яратилган қулайлик самараси ўлароқ ҳудудда ҳуқуқбузарликлар сони камаймоқда.

Бу йилги байрам арафасида давлатимиз раҳбари Фармони билан муқофотланганлар сафиде борлигидан юксак фахр туйди. Бу эътибор мени янги марралар сари руҳлантирмоқда. Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишдан, элзу юрт осойишталигини таъминлашдан асло қарчмаймиз.

«Халқ сўзи».

## Тошкентда автобусларда ташилган кунлик йўловчилар сони 1 миллиондан ошди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 142. 12 620 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона** 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Газетанинг қўлёзма берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Сойибзаров.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.50  
Тошпирилди — 02.35 1 2 3 4 5 6